


# ТАФАККУР ЗИЙОСИ

*ilmiy-uslubiy jurnal*  
Тафаккур зиёси 4/2020



ТАҚВИМ: 21 ОКТЯБРЬ -  
ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ  
КУНИ

ПЕДАГОГИКА ВА  
ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ

ИЖТИМОЙ  
ФАНЛАР

ФИЛОЛОГИЯ  
ФАНЛАРИ

ТАБИИЙ ВА АНИҚ  
ФАНЛАРИ

ЁШ  
ТАДҚИҚОДЧИ

### **БОШ МУХАРРИР**

Шавкат ШАРИПОВ -  
педагогика ф. д., профессор

### **БОШ МУХАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ**

Усмонжон ҚОСИМОВ - фил. ф. д.  
Файрат ҚОДИРОВ - биология ф. н., доц

### **МАСЬУЛ КОТИБ**

Фаррух АҚЧАЕВ - тарих  
ф.б.ф.д.,(PhD)

### **ТАРЖИМОНЛАР:**

Намоз КАРИМОВ,  
Эльдар ХАСАНОВ  
(рус тили)  
Камолиддин НОРМУРОДОВ  
(инглиз тили)

### **САХИФАЛОВЧИЛАР:**

Гулжакан КАДИРОВА  
Жамшид МУРТОЗАЕВ

### **НАВБАТЧИ МУХАРРИР:**

Феруза ЖУМАЕВА -филология  
ф.б.ф.д.,(PhD)

Журнал андозаси "Таҳририй-  
нашриёт" бўлимида **Собир**  
**СИБГАТУЛЛИН ва Собит**  
**НОРМУҲАММЕДОВ**  
томонидан тайёрланди

**Муассис** – Жиззах давлат  
педагогика институти

Журнал йилда 4 маротаба  
(ҳар чорақда) чоп этилади.

Матнлардан фойдаланилган кўчирма  
ва маълумотлар аниқлиги учун  
муаллифлар масъулдирлар.

Журналдан кўчириб босилганда  
манба қайд этилиши шарт

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси-  
нинг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018 йил 29 декабр-  
даги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан нашрлар рўйхатига киритилган.

**Журнал Жиззах вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 25 апрелда**  
**06-042 рақам билан қайта рўйхатга олинган. Журналнинг халқаро ISSN рақами: 2181- 6131**

**МАНЗИЛ:** 130100, Жиззах шаҳри,  
Ш. Рашидов кўчаси, 4-йўл, бош бино  
**ТЕЛЕФОН:** (99872) 226 02 93,  
(99897) 644 84 44  
**ФАКС:** (99872) 226-46-56

### **ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:**

Анатолий САГДУЛЛАЕВ - тарих ф. д., академик  
Комилjon ТОЖИБОЕВ - биология ф. д., академик  
.Жак МИКЛОВИК - INSHEA университети профессори  
(Франция)

Василий КОЧУРКО - Баранович ДУ профессори техника ф.д.  
(Белоруссия)

Гулсем ЛЕКЕРОВА - психология ф.д., профессор (Жан.  
Қозогистон)

Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ - сиёсий ф. д., доцент

Ботир ТЎХТАМИШЕВ -техника.ф.н., доцент

Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ - социология ф.ф. д., (PhD)

Жўрабой ЯХШИЛИКОВ - фалсафа ф.д., профессор

Холбўта ТУРАҚУЛОВ - техника ф.д., профессор

Бахти ОЧИЛОВА - фалсафа ф.д., профессор

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ - педагогика ф. д., профессор

Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ - филология ф. д., профессор

Абдуғафур МАМАТОВ - филология ф. д., профессор

Раҳматулла БЕКМИРЗАЕВ - физика-математика ф. д.,  
профессор

Ойбек АХМЕДОВ- филология ф.д., профессор

Фаня АХМЕДШИНА - тарих ф. д., профессор

Ҳамид МЕЛИЕВ - педагогика ф. н., профессор

Худойберган МАВЛОНОВ - биология ф. д., профессор в.б.

Қўчқор ҲАКИМОВ - география ф. н., профессор в.б.

Рустам АБДУРАСУЛОВ - психология ф. д., профессор в.б.

Зухра ЯХШИЕВА - кимё ф. д., доцент

Абдунаби ХОТАМОВ - фалсафа ф. н., доцент

Мухторкул ПАРДАЕВ - тарих ф. н., доцент

Раббим ЮСУПОВ - техника ф. н., доцент

Олег КИМ - филология ф. н., доцент

Комолиддин ЗОЙИРОВ - п.ф.н., доцент

Абдували ШАМСИЕВ - иқтисод ф. н., доцент

Суннатулло СОИПОВ - филология ф. н.

Юлдуз КАРИМОВА - филология ф. н., доцент

Омон ИСАРОВ - филология ф. н.

Шерали АБДУРАИМОВ - педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доц.

"ТАҲРИРИЙ-НАШРИЁТ" БЎЛИМИ  
Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-йўл  
2020 йил 30 декабрь куни босмахонага топширилди.  
Коғоз бичими А4 Буюртма: \_\_\_\_\_  
Нашр адади: 100

### **ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

#### **"ТАҲРИРИЙ-НАШРИЁТ" БЎЛИМИ**

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-йўл

2020 йил 30 декабрь куни босмахонага топширилди.

Коғоз бичими А4 Буюртма: \_\_\_\_\_

Нашр адади: 100

## МУНДАРИЖА

<b>Н.Н.Хаджимусаева</b> — "Орзигул" достонидаги метафораларнинг лингвопоэтик имкониятлари.....	117
<b>Ш.М.Искандарова, И.В.Холдарова</b> — Ўзбек тилидаги генеронимларнинг эвфемизмлар билан муносабати.....	120
<b>З.Д.Джалматова</b> — Типологические особенности романа П.Кадырова "Алмазный пояс" и В.Распутина "Прощание с Матерью".....	123
<b>Ш.И.Сиддикова</b> — Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг бадий матнадаги имкониятлари....	126
<b>А.С.Мусаев</b> — Грамматические категории в исследованиях фразеологии.....	128
<b>Х.Файзуллаев</b> — "Дашту далаларда" романда натуралистик тасвир қирралари.....	130
<b>Г.Эрназарова</b> — Хозирги ўзбек шеъриятида диний-маърифий шеърларнинг медитатив хусусияти.....	133
<b>Ф.Абдужалилова</b> — Сўз маънолари ва сўз санъати хусусида мулоҳазалар.....	137

## ТАБИЙ ВА АНИҚ ФАНЛАР

<b>Р.Н.Бекмирзаев, Б.Султанов, О.Ш.Эштуҳтарова</b> - Узлуксиз экологик таълимни амалга ошириш бўйича тадқиқотлар.....	139
<b>Ж.А.Хотамов</b> — Сайёра ҳосил қилувчи дисклар эволюциясини тушунтиришда кузатув натижаларининг назарий моделларга мос келмаслик ҳолатлари.....	141
<b>Ў.Х.Халимов</b> — Техника йўналиши талабаларининг математик компетентлигини ривожлантириш модели.....	144
<b>У.А.Соатов, А.Пардабоев</b> — Natural sonlar yig'indisini va natural son kvadratini hisoblashning ba'zi usullari .....	147
<b>Д.С.Рўзиева</b> — "Ёруғлик дисперсияси" мавзусини ўқитиш методикасини такомиллаштириш...	151
<b>Ш.О.Тошпулатова</b> — Логическая подготовка будущего учителя физики к педагогической деятельности.....	155
<b>С.М.Жумабоев, У.Эргашев</b> — Олий таълимда компьютерли моделлаштириш курсини ўқитишнинг мақсади ва моҳияти.....	157

## ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

<b>А.А.Байматов, А.К.Бердиев</b> — Туркий тилларнинг ўзга тилларга таъсири.....	159
<b>Б.Б.Абдуганиев</b> — Интернет рекламаларини тақиқловчи дастурлардан фойдаланиш.....	160
<b>Х.Л.Махаммадиев</b> — Навоий достонларида ошхона буюм ва жиҳозлари лексикаси.....	165
<b>М.Ш.Яхшиева</b> — Повышение двигательной подготовленности студенток и мотивации к занятиям физической культуры средствами аэробики.....	168
<b>О.М.Азамова</b> — Художественно-философское мышление автора и развитие жанра эссе в мировой литературе.....	171
<b>Н.У.Каримова</b> — Нофилологик йўналиш талабаларининг софт кўнилмаларини такомиллаштиришда инглиз тили фанининг педагогик потенциали.....	175
<b>И.А.Хўжамиёров</b> — Особенности организации учебного процесса на основе STEAM технологии.....	178
<b>Ш.Б.Баратова</b> — Таълим жараёнида гендер ёндашувнинг долзарблиги.....	182
<b>О.Ж.Хидиров</b> — Ўзбек тили корпусида сўз биримларини синтактик теглашнинг назарий асослари.....	184
<b>М.Дехқонова</b> — Матёкуб Кўшжоновнинг танқидчилик маҳорати.....	186
<b>О.Абобакирова</b> — Ўзбек болалар ҳикоячилигининг жанр хусусиятлари.....	189
<b>Ҳ.Ҳ.Эшова</b> — Телевидение тилининг лингвистик тадқиқи.....	192
<b>З.К.Салимова</b> — Инглиз тилини ўқитишда интенсив методларни қўллашнинг аҳамияти.....	194
<b>С.Ҳ.Назаров</b> — Шеърий услубдаги асарлар таржималарида прагматика ва тасвирий воситаларнинг қайта ифодаланиши.....	198
<b>Ж.Анорбоев</b> — Машраб меросида гуманистик қарашлар.....	202
<b>Ш.У.Жумаева</b> — Она тили фанидан намунавий дарс ишланмаси.....	204
<b>Х.Ибрагимов</b> — Тўра Сулаймон ижодида "Гўрўғли" достонининг ўрни ва аҳамияти.....	207

## ЖАВОНДАГИ ХАЗИНА

<b>С.Неъматова, Ш.Жўраев</b> — Эркин Воҳидовнинг "Сўз латофати" китоби умрбоқийлиги.....	210
--	-----

# ЭРКИН ВОХИДОВНИНГ "СЎЗ ЛАТОФАТИ" КИТОБИ УМРБОҚИЙЛИГИ

Неъматова Сапура - ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти  
Жўраев Шукрулло - ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация:** Маколада Эркин Воҳидов ижодининг ўзига хос жиҳатлари ва айрим муҳим кирралари "Сўз латофати" асари мисолида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Эркин Воҳидов феномени, сўз оламига саёҳат, осмон, фалак, само, чарх, гардун, фазо, байналмилал сўзлар.

Асрлар бўйи ўз эрки учун курашган матонатли халқимизнинг шонли тарихи улуғвор бўлганидек, унинг тили ва адабиёти ҳам бой ва юксаклиги билан дунё тамаддунида алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бизнинг ҳавас қиласа арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қиласа арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қиласа арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қиласа арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади"<sup>1</sup>

Нафақат юртдошларимизнинг, балки минглаб хорижлик мутафаккирларнинг ҳам яқдил фикрини ифодалаган бу таъриф мумтоз адабиётимиз ва тилимизга қанчалар муносиб бўлса, XX аср ўзбек адабиётига нисбатан ҳам шундай ташбеҳни қўллаш хато бўлмайди. Тарихимиз ва адабиётимиз шуҳратини чет элларга ҳам ёйишга катта ҳисса қўшган ёрқин талант соҳибларидан бири - Ўзбекистон ғаҳрамони Эркин Воҳидовdir.

"Ўзининг бетакрор шеър ва ғазаллари, етук комедия ва достонлари, бекиёс ҳажвиёти ва таржималари ҳамда теран нутқ ва мақолалари билан халқимиз қалбидан жой олган Эркин Воҳидов номини билмайдиган ва унинг дурдона асарлари кириб бормаган бирон шаҳар ё қишлоқ, бирон хонадон йўқ десак, асло муболага бўлмайди" (О.Шарафиддинов). Эркин Воҳидов ижодининг халқимизга бу қадар манзур бўлиши ва истеъодларга бой бўлган адабиёт оламида бундай юксак шарафга сазовор бўлишининг асосий сабаб ва омиллари нимада? Бу саволларга жавобни ва Эркин Воҳидов феноменининг ўзига хос жиҳатлари ва ижодининг айрим муҳим кирраларини "СЎЗ ЛАТОФАТИ" номли асари мисолида ҳам ёритиш мумкин. Шоир ижодида инсон ва жамият ҳаётининг кўплаб муҳим муаммолари чукур, реал акс этганлигини тадқиқ этиш, шубҳасиз адабиётшунослик ва маънавиятимиз учун ҳам долзарб вазифалардан бўлиб саналади.

Эркин Воҳидов сингари юртпарвар ва жасоратли шоир ва ёзувчиларимиз мустабид туз умнинг таъқиқ ва тазиикларига қарамасдан, халқимизнинг буюк тарихий ўтмишини ҳаққоний тасвирилашга эришганлиги бугунги ижодкор ёшларимиз учун ҳам ибратлидир. Шоирнинг биргина "Ўзбегим" қасидаси халқимизнинг ўзлигини англашида ва ўзига ишончини оширишда тенгсиз роль ўйнаганлиги айни ҳақиқатдир. Бу қасида шеъриятимизнинг юксак бир чўққиси бўлиши билан бирга ҳукмрон коммунистик мафкура ва мустабид тузум учун хавфли бир маънавий кучга айланганини кўплар фарҳ билан эслашади.

Эркин Воҳидов истеъоддининг яна бир ёр қин қирраси, жўшқин ижтимоий ва адабий фаолиятининг ибратли бир ўналиши унинг публицистик асарларида, яъни мақола ва нутқ-сұхбатларида намоён бўлган. Айниқса, ўзбек тилимиз ривожи ва истиқболи борасида Эркин Воҳидов фаолияти ва унинг "СЎЗ ЛАТОФАТИ" каби асарлари алоҳида эътиборга лойиқ. 2014 йили китобхонларга тақдим этилган ва 2018 йили янада тўлдирилиб, бойитилиб қайта нашр этилган "Сўз латофати" асари адабий ва маънавий ҳаётимизда қувончли бир воқеа бўлди. Китоб аллақачон халқимизнинг маънавий-руҳий мулкига айланиб, тафаккурини бойитишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Томчид қуёш акс этгани каби бу асарда ўзбек тилимиз олами намоёндир.

Адабий ижод-дәйди Эркин Воҳидов - ҳамиша сўз оламига саёҳатдир. Буюк мутафаккирлар таъкидлаганидек, адабиётнинг асосий қуроли тилдир. Бадиий адабиёт "сўз санъати" деб таърифланишида ҳам катта асос ва мантиқ

бор. Шу боис ҳам барча улуғ адиллар бадиий асар тилига ва ундаги ҳар бир сўз ва иборага алоҳида эътибор билан қарашган. Бу кутлуғ адабий-эстетик анъаналар Эркин Воҳидов каби забардаст замондош адилларимиз томонидан ижодий давом эттирилаётганлиги ҳам миллий тилимиз ва бадиий сўз санъати ривожининг муҳим бир омили эканлигидан далолат беради.

<sup>1</sup>. Ш.М.Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маъруzasи. №8.2017, 8-б.

Устоз шоиримиз айтганидек, она тили умум-миллат мулкидир. Демак, тил олдидағи маъсулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Дарҳақиқат, бир миллатни йўқотиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас, балки тили ва тарихий хотирасидан жудо қилиш кифоя экан. Адабиёт ва шеъриятда тил ва тарихий хотира мужассам бўлади. Навоий замонида ҳар бир илмли инсонга маълум-машҳур ривоятлар, пайғамбарлар киссалари, тасаввуф ақидаларини, афсуски, машъум сиёсат туфайли ўргана олмаганимиз ва Навоий тилини луғатга қараб тушунсак-да, мазмун-моҳиятини, нозик санъатини англашга кийналамиз. Аслида, ўзбек тилимиз ва адабиётимизни дунё миқёсида тараннум этган ва ҳалқимиз маънавиятининг шаклланишига бенихоя кучли ва самарали таъсир кўрсатган ва эндилиқда янада қадрланаётган беназир сиймо бу, шубҳа сиз, Навоидир. Шу муносабат билан муҳим бир ҳақиқатни эътироф этиш жоиз.

Мумтоз адабиётимиз бўйича жиддий тадқикот олиб бораётган юзлаб адаби тилшунос ва адабиётшунослар орасида Ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми берилишида алоҳида жонбозлик кўрсатган ва Навоийнинг тенгсиз сиймоси, бекиёс ижоди ва санъаткорлиги ҳақида Эркин Воҳидовчалик теранлик ва шарқона нуктадонлик билан ёза олган ижодкор камдан-кам топилса керак. Навоий асарларидан илҳомланиб, улуғ мутафаккиримизнинг тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги қутлуғ анъана ва сабоқларини ҳам ижодий давом эттирган ҳассос шоиримизнинг ушбу асаридағи кўплаб ноёб сўз-иборалар ва шеърий мисралар таҳлили орқали бунга яна бир карра гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, унтилган сўзларимизни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносаб истилоҳлар топиш факат тилшунос мутахассисларнинг эмас, бутун миллатнинг ишидир. Тилга меҳр-эътибор ҳам муқаддас бурчимиз. Болаликдан шууримизга сингиб кеттан баъзи сўзларни эслайлик: дунёдаги қайси тilda **куёш ё самонинг ўнлаб номлари бор? Осмон, фалак, само, чарх, гардун, фазо, қўй...** Бундай мисоллар тилимизда юзлаб топилади.

Ўзбек тилимизнинг бойлиги тарихий илдизларига боғлиқ. Яъни маънодош сўзлари мизнинг кўплигига сабаб – “Ўзбек тили уч дарёдан сув ичган. Диний, илмий, ижтимоий, атамалар асосан араб тилидан; кўпгина иш қуроллар: **жомадон, панҷшаха, хокандоз, дастшу, жомашу, дазмол, қофоз** каби хунармандликка оид сўзларимиз, шунингдек, юксак шеърий услугга хос сўз ва изофали иборалар тилимизга форс тилидан кириб келган”.<sup>2</sup>

Исларимиз ҳам маънодор. Қадим-қадим замонларда аждодларимиз қўёшга, ойга, юлдуз ва сайёраларга топингланлар. Даشت-у саҳролар оша

олис, мاشаққатли йўлларда кундузи куёш, кечаси ой ва юлдузлар уларга машъала, қибланамо бўлган. Шу боис ўғлон ларининг исмини юксак орзулас билан Кунтуғмиш, Ойбек деб, қизларининг исмларини Ойбарчин, Тўлганой, Юлдузхон, Зухро, Сурайё, Муштариј, Ситора деб атаганлар.

Китобнинг бекиёс илмий-бадиий ва тарихий аҳамияти яна шундаки, унда Кошғарий, Замахшарий ва Мирзо Голиб сингари буюк аждодларимиз ва давримизнинг машҳур адибу уламолари ҳақида ҳам foят таъсирчан ва қимматли маълумотлар келтирилиши билан бирга ўзбек тилимизнинг серқирра ва сержило эканлиги на мойиш этилади. Масалан, бундан иккى юз йиллар аввал тақдир тақозоси билан Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ҳамюртимиз Мирзо Асадуллохон Голиб теран маъноли шеърларида ўз аждодларини эслаб: “Мен асли самарқандликман, наслим Ойбеклар зотидан”, - дея фурур билан ёзганлиги ҳар бир ватан дошимизнинг қалбини ифтихор ҳислари билан мунавар қиласди:

**Десам, голиб, ерим –пок хоки Турон,  
Асил зотим билан бағрим фараҳманд.  
Ўзим туркзода-ю наслим-да туркзод,  
Буюклар қавми бирла асли пайванд.  
Уруг бўлмиш менга Ойбеклар аслан,  
Камолан ойга нисбат, балки ўнчанд.  
Отам касбин десам дехқончилиқдир,  
Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.**

Китобда неча юзлаб сўзларнинг тарихий ва этимологик таҳлилидан ташқари ҳалқ мақоллари, маталлари ҳақидаги кузатиш ва хулосалари ҳам Эркин Воҳидовнинг ўзига хос фалсафий-донишмандоналиги билан меҳримизни тортади. Маълумки, мақол ва маталларда ҳикмат бўлиб, у ҳикматли сўз деб аталади ва асрлар оша оғиздан оғизга кўчади. Мисол учун ҳаммамиз ёд биладиган “**Гап кўп, кўмир оз**”, деган иборани шундай шарҳлайди: “мен бунда чуқур маъно, тағдор Фикр кўрмадим. Суҳбат чўзилса, сандалнинг чўғи совуб қолгани учун шундай дейдиларми? Бу гапда на бадиият, на ҳикмат бор?”

Ўлашимча, бу ибора аслида **гап кўп-ку, умр оз бўлган**. **Ку** юкламасининг кейинги сўзга кўшилиб кетишидан **умр кўмир**га айланган. Аслиятни тикласак, дунёнинг дардини айтишга умр етмайди, деган фалсафий хулоса чиқади”.<sup>3</sup> Бундай теран фикрлар шоирнинг эл-юрт орзу-умиди ва ғам-ташвишлари билан бирга ҳамнафас бўлиб яшashi самараси бўлиб юзага келади ва бу фазилат унинг жамият муаммоларига, жумладан, тилимизнинг келажаги ва тақдирига дахлдорлик туйгусини ҳам кучайтиради.

Анча йиллар аввал Эркин Воҳидов тилимиз ривожи учун ҳам жиддий бир муаммони қуюнчаклик билан шундай таъкидлаган эди: Четдан кирган сўзларни ҳалқимиз аллақачон ўз тилига мослаб олган. Биз доктор, машина, стакан, рюмка деб ёзсан ва айтишга уринсак-да, ҳалқ дўхтири,

<sup>2</sup>. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Т. Ўзбекистон. 2018. 10 б

<sup>3</sup>. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Т. Ўзбекистон. 2018. 10 б

<sup>4</sup>. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Т. Ўзбекистон. 2018. 29 б

## ЖАВОНДАГИ ҲАЗИНА

мошина, истакон, румка деб ишлатади ва англаб-англамай халқаро қоидаларга амал қилади. Бильякс, тилшунос олимлар сунъий қоидалар билан ўз она тилимиз қонуниятiga ҳам, халқаро қонуниятга ҳам зид иш тутадилар.

Байналмилал сўзларни мохирона таржима қилиш ёки ўз она тилимизга мослаш, халқа қулай қилиш билан бирга бадиий адабиёт, аввало, шеърият учун зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Дунё кезган шоиримиз хотираларидан бири бу жихатдан диккатга молик ва ундан ҳам ибрат олсак арзиди: "Америкада бир ёш уйғур йигитдан **"унолғи"** деган сўзни эшигдим. **Микрофон** маъносида. Жуда чиройли топилган, тил табиатидан келиб чиқсан ва тез ўзлашиб кетган сўз экан."<sup>4</sup> Бундай ҳарактерли мисоллар ҳам тилимизни замон билан ҳамнафас, ҳамқадамлигини кучайтириб, уни бойитади ҳам.

Беназир шоирнинг ўзбек тилимизнинг соғлиги ва ривожи учун изчил кураши ва чукур ҳаётий ҳақиқат билан йўғрилган фикрлари миллий тиллар ривожи учун қайғуриш эҳтиёжи ва зарурати ортиб бораётган бугунги глобаллашув даврида янада долзарб ва муҳим аҳамиятга эгадир. Таникли адабиётшунос ва услубшунос олимларимиз таъкидлаганидек, шоирнинг сўз танлаш ва қўллаш санъати ўзига хос бир маҳорат мактабидир.

Мутафаккирлар дунёда икки нарса мангу яшаб қолади. Булар дононинг сўзию ботирнинг иши, дейдилар. Эркин Воҳидовдек ёрқин талант соҳибининг сўзи ҳам-ҳоҳ у шеърий мисраларда бўлсин, ҳоҳ у теран мақола ёхуд жўшқин нутқ

бўлсин - ана шундай абадиятга дахлдор маънавий- руҳий ҳодисалар сирасига киради. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги қарорига асосан Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги мустақил юртимиз да кенг нишонланди. Фарғонада шоирнинг Уй-музейи ташкил этилди. Марғилондаги сўлим маданият- истироҳат боғига шоир номи берилди. Президентимиз қарорига асосан, Эркин Воҳидов номи абадийлаштирилиб, шоирга водийда ва пойтактимиздаги "Адиблар хиёбони"да муҳташам ҳайкал ўрнатилиши миннатдор халқимизнинг чукур хурмат-эҳтироми рамзи бўлиб қолажак. Зоро, эъзозли шоиримизнинг эл-юртга, она тилимиз ва адабиётимизга меҳру-садоқатининг юксак ифодаси бўлган "Сўз латофати" каби бетакрор асарлари барчамизга эзгу бир васиятдек бўлиб, бизни ҳамиша огоҳ этиб туради.